

## «Инно ташаббус» танловини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Инно ташаббус» танловини (кейинги ўринларда — танлов) ташкил этиш, аҳолини инновацион фаолият билан шуғулланишини қўллаб-кувватлаш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи, ёши ва жинсидан қатъий назар, инновацион фаолият билан шуғулланиш истагида бўлган ҳамда ўз инновацион ғоясига эга бўлган фуқароларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур танловни юқори савия ташкил этишга Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ҳамда танлов доирасида аризаларни қабул қилишга худудий Инновацион ривожланиш бошқарма (кейинги ўринларда — худудий бошқармалар) лари масъул ҳисобланади.

3. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Танлов комиссияси** — танлов доирасида келиб тушадиган ғоялар учун алоҳида тузиладиган, танловларни ўтказиш, ғолиблар тўғрисида хулоса олиш ҳамда ушбу жараённи мувофиқлаштирадиган Вазирлик томонидан ташкил этиладиган комиссия;

**ғоя** — илмий далил, муаммо, фараз, назария каби воқеликни акс эттириш шаклларидан бири бўлиб, фан тараққиётнинг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари, устувор қоидалари асосида ишлаб чиқилган лойиха;

**инновацион ишланма** — жамият ёки иқтисодиёт тармоқлари муаммоларини ҳал этишда янги ва фойдали бўлган техника, буюм ёки дастурий таъминотнинг тайёр прототипи;

**техник экспертиза** — тақдим этилган ғояларнинг ушбу Низом талабларга мувофиқлиги, шунингдек, тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилишда хатоларни аниқлаш;

**талабгор** — ғоя ёки инновацион ишланмани ишлаб чиқкан фуқаро ва/ёки унинг жамоаси;

**қабул қилувчи ташкилот** — танлов доирасида аризаларни қабул қилишга масъул бўлган ташкилот.

### 2-боб. Танловни ташкил этиш, ғояни шакллантириш ва уларни қўриб чиқиб, танлаб олиш тартиби

#### 1-§. Танлов ташкил этиш тартиби

4. Танлов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи, ёши ва жинсидан қатъий назар, инновацион фаолият билан шуғулланиш истагида бўлган ва ўзининг илмий исботланган ёки тайёр прототип ҳолига келтирилган инновацион ишланмасига эга бўлган фуқаролар ўртасида ҳар йили камида бир маротаба Вазирлик томонидан 2 босқичдә — худудий ва Республика босқичларида ташкил қилинади.

5. Номзодлар танловда иштирок этиш учун ўз номидан ариза ёки ўзи фаолият юритаётган илмий ташкилот ёки олий таълим муассасасининг йўлланма хати орқали лойиҳани худудий бошқармаларга тақдим этади.

6. Лойиҳада қўйидагилар назарда тутилган бўлиши лозим:

ғоя ёки ишланманинг долзарбилиги;  
ғоя ёки ишланманинг обьекти, предмети, мақсад ва вазифалари, кутилаётган илмий, иқтисодий ёки ижтимоий натижалар;  
қабул қилувчи ташкилот томонидан Вазирлик номига тақдим этилган розилик хати.

## **2-§. Фояни шакллантиришга қўйиладиган умумий талаблар**

7. Танловга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрида истиқомат қилувчи, ёши ва жинсидан қатъий назар, инновацион фаолият билан шуғулланиш истагида бўлган ва ўзининг илмий исботланган ёки тайёр прототип ҳолига келтирилган ишланмасига эга бўлган фуқароларнинг ҳамда ҳудудий, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг муаммолари ечимиға қаратилган ғоялар, илмий ва стартап лойиҳалар қабул қилинади.

8. Вазирлик танлов бошланишидан бир ой олдин ўзининг расмий веб-сайтига аризаларни шакллантириш, рўйхатдан ўтказиш ва топшириш тартиби, муддати ва талаблари кўрсатилган эълонни жойлаштиради.

9. Бир календарь йили давомида эълон қилинган танлов доирасида ғолиб деб топилган талабгорлар шу давр ичидаги навбатдаги танловларда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

10. Танлов доирасида ғоялар асосида макет ва (ёки) прототип яратишнинг энг кўп муддати бир йилгача бўлиши мумкин.

## **3-§. Танлов комиссияси фаолиятини ташкил этиш тартиби**

11. Танлов доирасида келиб тушадиган ғояларни кўриб чиқиши бўйича Танлов комиссияси таркиби Инновацион ривожланиш вазири томонидан тасдиқланади.

12. Танлов комиссияси ўз йўналишида камидаги 2 йил меҳнат стажига эга бўлган юқори малакали (турли вазирлик, идоралар, олий таълим ва илмий муассасалар, хусусий сектор вакилларидан ҳам келишув асосида жалб этилиши мумкин) камидаги 7 нафар тоқ сонли аъзолардан иборат таркибда тузилади. Танлов комиссиясига раислик қилиш вазифаси вазир ўринбосарига тенглаштирилган раҳбарга юклатилади.

Бунда Танлов комиссияси раиси, зарур ҳолларда тор ихтисослашувдаги мутахассисларни (шу жумладан, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлар мутахассисларини) қўшимча равишда ғоя, илмий ва стартап лойиҳаларни кўриб чиқиши жараёнига жалб қилиши мумкин.

13. Танлов комиссияси мажлиси, унда Танлов комиссияси аъзоларининг камидаги учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

Танлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар баённомалар билан расмийлаштирилади.

Танлов комиссияси мажлислари очиқ муҳокама шаклида ташкил этилади.

14. Талабгор танловда иштирок этиши учун ҳудудий бошқармаларга қўйидаги маълумотларни тақдим қилиши лозим:

аризачининг шахсини тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси ва талабларга мувофиқ тақдим этилган маълумотнома (объективка);

ғоянинг мазмуни ёки инновацион ишланманинг хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумот;

ғоя ёки инновацион ишланма тақдимоти;

давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, йирик корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ғоя қўллаб-куватлаш бўйича тавсиянома;

ғоя ёки инновацион ишланма бўйича видео ролик;

ғоя бўйича олинган патент тўғрисида маълумотнома, сертификатлар, мақтov ёрлиқлар ва х.к;

таклиф этилаётган инновацион ғоя прототипи (агар мавжуд бўлса).

#### **4-§. Фоялар ёки инновацион ишланмаларни кўриб чиқиш ва танлаб олиш тартиби**

15. Фоялар ёки инновацион ишланмаларни танлаб олиш тартиби қуидагича бўлади:

Худудий босқичда киритилган ғоялар ушбу Низомнинг 15-бандига мос равища тўлиқ тақдим этилганлиги ва расмийлаштирилганлиги худудий бошқармалар томонидан кўриб чиқилади (техник экспертизадан ўтказилади). Худудий бошқармалар зарур ҳолатларда, тақдим этилган ғоялар бўйича қўшимча маълумотлар, тақдимотлар талаб этиши ва ғояларни ўрганишда тегишли мутахассисларни жалб қилиши мумкин.

Танлов доирасида талабгор томонидан тақдимот қилинган ғояларда камчилик мавжуд бўлган тақдирда, талабгорга такомиллаштириш учун қайтарилади. Талабгор ғояни бир ой муддат ичida такомиллаштирилган ҳолда қайта тақдим этади. Бир ойдан кеч тақдим этилган ғоялар қабул қилинмайди.

Худудий босқич натижалари бўйича танловнинг Республика босқичида иштирок этадиган талабгорлар тўғрисида йиғма рўйхат шакллантирилиб, Республика босқичида иштирок этиши учун Танлов комиссиясига тақдим қилинади.

Республика босқичида талабгорлар ўз ғояларини Танлов комиссияси олдида тақдимот (презентация) кўринишида ҳимоясини ўтказадилар.

Республика босқичи даврида тақдимот ҳимоясида узрли сабабларсиз иштирок этмаган талабгорларнинг ғояси ёки ишланмаси Танлов комиссиясининг қарорига асосан рад этилиши мумкин.

Тақдимот ҳимоясида талабгорлар ғояни қисқа, лўнда ва асосланган ҳолда очиб бериши ҳамда пухта тайёргарлик кўрган ҳолда иштирок этишлари талаб этилади.

Бунда Танлов комиссияси тақдимот натижаларига асосан яқуний хулоса тайёрлашда 1-иловада келтирилган баҳолаш меъзонларига мувофиқ амалга оширилади.

16. Талабгорларни баҳолаш ҳамда ғолиб деб топиш Танлов комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Бунда, камида 50 балл тўплаган ғоялар Танлов комиссияси қарори билан ғолиб деб топилиши мумкин.

Ғолиб деб топилган талабгорлар тўғрисидаги маълумотлар Вазирлик веб-сайтида жойлаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг буйруғи билан ғолиб талабгорларнинг ғояларини амалга ошириш ёки инновацион ишланмаларини амалиётга жорий қилиш мақсадида рағбатлантирилади.

Бир талабгор ўз ғоясини амалга ошириш ёки инновацион ишланмасини амалиётга жорий қилиш учун 10 миллион сўмдан 50 миллион сўмгача рағбатлантирилиши мумкин.

17. Фоялар ёки инновацион ишланмаларни кўриб чиқиш ва танлаб олиш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

#### **3-боб. Танлов ғолибларини рағбатлантириш тартиби**

18. Танловнинг 40 ёшгача бўлган ғолиблари ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 апрелдаги 222-сон қарорининг 2-иловасида тасдиқланган

«Бўлажак олим» танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомига асосан рағбатлантирилади.

Танловнинг 40 ёшдан катта бўлган ғолибларини рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сон қарори 2-иловасида тасдиқланган «Стартап» лойиҳаларни тасдиқлаш, молиялаштириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомида белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

Танлов ғолибларини рағбатлантириш ҳар йили илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Танлов ғолибларини молиялаштириш учун Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) масъул ҳисобланади.

20. Танлов комиссияси муваффақиятли деб топган ва тасдиқлаган ғояларни рағбатлантириш Инновацион ривожланиш вазирининг буйруғи қабул қилингандан сўнг амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирининг буйруғига асосан муваффақиятли ўтган ғоя ёки инновацион ишланма муаллифларини рағбатлантириш учун ажратилган пул маблағларинининг 90 фоиз қисми талабгорнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

Қолган 10 фоиз қисми талабгор ўз ғоясини амалга оширган ва/ёки инновацион ишланмасини амалиётга жорий қилгандан сўнг унинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

#### **4-боб. Ғояларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш тартиби**

21. Ғояларни амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиш Вазирлик томонидан амалга оширилади. Ғоялар бўйича белгиланган ишларни ўз муддатида бажармаслик, шунингдек, ҳисботларни топшириш муддатлари ва молиявий интизомни бузиш Вазирликнинг ташаббуси билан талабгорнинг бошқа ушбу Танловда қатнашишини рад этиш учун асос бўлади.

22. Талабгор ўз ғоясини амалга оширмаган ёки инновацион ишланмасини амалиётга жорий қилмаган тақдирда, рағбатлантириш учун ажратилган маблағнинг сақлаб қолинган 10 фоиз қисми тўлаб берилмайди.

23. Молиялаштирилиши тўхтатилган лойиҳалардан бўшаган маблағлар навбатдаги танловларга йўналтирилади.

#### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

24. Ушбу низом талабларини бузганликда айбор шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

«Инно ташаббус»  
тандовини ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### **Тандов комиссияси томонидан ғояларни баҳолаш мезонлари**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш мезонлари</b>	<b>Кўрсаткичнинг умумий рейтингдаги салмоғи</b>	
<b>И. Аризачининг шахсини тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси ва талабларга мувофиқ тақдим этилган маълумотнома (объективка)</b>		<b>1 балл</b>	
<b>ИИ. Ғоянинг мазмуни ёки инновацион ишланманинг хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумот</b>		<b>20 балл</b>	
1.	Ғоя ёки инновацион ишланманинг қиймати, қайси тармоқقا ва худудга оидлиги, масади ва вазифаларининг ёритилиши	10 баллгача	
2.	Ғоя ёки инновацион ишланма амалиётга тадбиқ этилганда, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий соҳасига келтирадиган тўғрисида маълумот	10 баллгача	
<b>ИИИ. Ғоя ёки инновацион ишланма тақдимоти</b>		<b>20 балл</b>	
1.	Муаммонинг долзарблиги ва уннинг ечими	Кўрсатилган муаммо худудда долзарб ва ғоя ёки инновацион ишланма унинг ечими бўла олади	6 балл
		Кўрсатилган муаммо худудда долзарб ва ғоя ёки инновацион ишланма унинг қисман ечими бўла олади	3 балл
		Кўрсатилган муаммо ва ғоя ёки инновацион ишланма бир-бирига мос келмайди	0 балл
2.	Ғоянинг оригиналлиги, ўзига хослиги ва талаб этиладиган қўшимча шарт-шароитлар ва маблағлар	Ғоя ёки инновацион ишланма оригинал ва ўзига хос бўлиб ностандарт усулда тақдим этилиб қўшимча шарт-шароит ва маблағ талаб этилмайди	6 балл
		Ғоя ёки инновацион ишланма оригинал ва ўзига хос бўлиб ностандарт усулда тақдим этилиб қўшимча шарт-шароит ва маблағ талаб этилади	4 балл
		Ғоя ёки инновацион ишланма оригинал ва ўзига хос бўлиб	2 балл

		ностандарт усулда тақдим этилиб күшимча шарт-шароит ва маблағ асоссиз талаб этилади	
		Фоя ёки инновацион ишланма рақобатбардош ва муаммога ечим бўла олмайди, күшимча шарт-шароит ва маблағ асоссиз талаб этилади	0 балл
3.	Слайдларда чизмалар, схемалар, расмлар, инфографикалар ва х.к. мавжудлиги ва ўринли фойдаланилганлиги	Чизмалар, схемалар, расмлар инфографикалар маълумотга мос равишида тақдимотда акс эттирилган	5 балл
		Чизмалар, схемалар, расмлар инфографикалар маълумотга қисман мос равишида тақдимотда акс эттирилган	3 балл
		Чизмалар, схемалар, расмлар инфографикалар акс эттирилмаган	0 балл
4.	Тақдимотнинг тузилиши (титул слайд, мақсади, вазифалари, асосий қисм, хуроса)	Слайдлар ўрнатилган талабларга мос ва маъулмот тўлиқ акс эттирилган	3 балл
		Слайдлар ўрнатилган талабларга мос эмас ва маъулмот тўлиқ акс эттирилган	2 балл
		Слайдлар ўрнатилган талабларга мос эмас ва маъулмот тўлиқ акс эттирилган	0 балл
<b>ИВ. Тавсиянома</b>		<b>10 балл</b>	
1.	Фоя ёки инновацион ишланманинг худудга ва тармоқ соҳасига фойдалилиги бўйича тегишли давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўллаб-куватланиши	Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, йирик корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан мазкур ғоя қўллаб-куватланиб, ўзларида амалиётга тадбиқ (этган) ёки этишга тайёр	10 балл
		Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, йирик корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан мазкур ғояни молиявий кўллаб-куватлашга тайёр	7 балл
		Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, йирик корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан мазкур ғояни қўллаб-куватлашга тайёр	4 балл

		Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, йирик корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан мазкур ғояни қўллаб-кувватлаш бўйича тавсиянома мавжуд эмас	0 балл
<b>В. Ғоя ёки инновацион ишланма бўйича видео ролик</b>		<b>15 балл</b>	
1.	Видео роликнинг инновацион ғояни ёритиб бериши  (3 дақиқадан ошмаган, .avi, .mp4 форматида)	Видео ролик инновацион ғояни тўлиқ, мантиқан кетма-кетликда ёритиб берган	10 балл
		Видео ролик инновацион ғояни тўлиқ, мантиқан кетма-кетликда қисман ёритиб берган	3 балл
		Видео ролик инновацион ғояни ёритиб бермаган	1 балл
2.	Видероликнинг талабларга жавоб бериши	Талабларга жавоб беради	5 балл
		Талабларга жавоб бермайди	0 балл
<b>ВИ. Ғоя бўйича олинган патент тўғрисида маълумотнома, сертификатлар, мақтov ёрлиқлар ва ҳ.к.</b>		<b>14 балл</b>	
1.	Ғоя бўйича олинган патент тўғрисида маълумотнома, сертификатлар, мақтov ёрлиқларининг таснифланиши	Халқаро патент	5 балл
		Махаллий патент	4 балл
		Халқаро миқёсидаги Сертификатлар, мақтov ёрлиқлар, дипломлар ва ҳ.к.	3 балл
		Республика миқёсидаги Сертификатлар, мақтov ёрлиқлар, дипломлар ва ҳ.к.	2 балл
<b>ВИИ. Ғоя прототипи</b>		<b>20 балл</b>	
1.	Прототипнинг сифати ва ўз функцияларининг тўлиқ намоён эта олиши	Прототип ўз функцияларини тўлиқ намоён эта олади	12 балл
		Прототип ўз функцияларини қисман намоён эта олади	6 балл
		Прототип ўз функцияларини намоён эта олмайди (макет шаклида)	4 балл
		Прототип мавжуд эмас	0 балл
<b>Жами:</b>		<b>100 балл</b>	

«Инно ташаббус» танловини ўтказиш  
тартиби түғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Танлов доирасида Ғоялар ёки инновацион ишланмаларни кўриб чиқиш ва танлаб  
олиш  
СХЕМАСИ**

<b>Босқичлар</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Бажариш муддатлари</b>
<b>1-босқич</b>	Инновацион ривожланиш вазирлиги (Вазирлик)	«Инно ташаббус» танлови доирасида аҳолини инновацион фаолият билан шуғулланишини қўллаб-кувватлаш ва ўз инновацион ғоясига эга бўлган фуқароларни рағбатлантириш учун танлов эълон қилиш	Бир йилда камида бир марта
<b>2-босқич</b>	Танлов иштирокчиси	Аниқ амалга ошириш механизмлари, муддати ва дастлабки натижалари кўрсатилган ғояларни тақдим этиш	Танлов эълон қилингандан сўнг бир ой муддатда
<b>3-босқич</b>	Худудий бошқармалар	Ушбу Низомнинг талабларига мос равища тўлиқ тақдим этилганлиги ва расмийлаштирилганлигини кўриб чиқиш ва муваффакиятли ўтган ғоялар бўйича йифма рўйхат шакллантириш ҳамда Вазирликка тақдим этиш	Танловга хужжатларни қабул қилиш якунланган санадан бошлаб, 30 кун ичида
<b>4-босқич</b>	Вазирлик	Танлов комиссиясини шакллантириш, худудий бошқармалар томонидан тақдим қилинган йифма рўйхатга асосан талабгорларнинг ғоя ёки инновацион ишланмалари ҳимоясини ташкил қилиш ҳамда талабгорлар лойихалари йифма рўйхатини Танлов комиссиясига тақдим этиш	Танловга хужжатларни қабул қилиш якунланган санадан бошлаб, 45 кун ичида
<b>5-босқич</b>	Танлов комиссияси	Талабгорлар ғоя ёки инновацион ишланмаларининг ҳимояси ўтказилиб, (презентация кўринишида ҳимоя қилишлари талаб этилади) якуний хulosага келиш	Танлов комиссиясига йифма рўйхат тақдим этилгандан сўнг 30 кун ичида
<b>6-босқич</b>	Вазирлик	Голиб талабгорларнинг ғоя ёки инновацион ишланмаларини амалга оширишлари учун Вазирликнинг тегишли буйргуни қабул қилиш	Танлов комиссияси хulosаси расмийлаштирилгандан сўнг 10 кун ичида
<b>7-босқич</b>	Жамғарма	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирининг буйруғига асосан муваффакиятли ўтган ғоя ёки инновацион ишланма мувалифларига пул маблағларини уларнинг номига очилган банк картасига ўтказиб бериш	Вазирликнинг тегишли буйруғи қабул қилингандан сўнг 10 кун ичида